O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 15 май, шанба • № 39 (11.122) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни Оқ саройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Юрий Яровни қабул қилди.

Ю.Яров Ҳамдўстлик тузилмаларини ислоҳ қилиш масалалари хусусида маслаҳатлашиш мақсадида МДҲ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан. У, шунингдек, сафар асносида Ҳамдўстлик доирасида илгари имзоланган ҳужжатларнинг амалда қандай ижро этилаётгани билан танишади, МДҲ мамлакатларидаги аҳволни ўрганади.

Давлатимиз раҳбари учрашувда Ҳамдўстлик доирасидаги ўзгаришларга тўхталди. Хусусан, МДҲнинг айрим ортиқча тузилмалари мавжудлигини таъкидлади. Бундай бюрократик органларни қисқартириш лозимлиги қайд этилди.

Ю.Яров Ўзбекистон Президентини ўз сафарининг дастлабки натижалари билан таништирди.

Суҳбат чоғида МДҲ доирасидаги жараёнлар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

ШУ куни мамлакатимиз Президенти Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси директори Жерар Штудманни ҳам қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги алоқалар ривожланиш йўлида эканлигини таъкидлади.

Ж.Штудман Ўзбекистонда жамиятни демократиялаштириш борасидаги ишлар катта самара бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. Ўзбекистоннинг мазкур бюро ва умуман ЕХҲТ билан алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов, Инсон ҳуқуқлари буйича миллий Марказ директори А.Саидов иштирок этди.

Қабулда ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бўйича бюроси раҳбари Г.Ганчев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақиллик қадриятларига, инсон ҳақ-ҳуқуқларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми-шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун жамоатчилик комиссияси тузилсин, унинг таркиби тасдиқлансин.

Комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этсин.

2. Миллий хавфсизлик хизмати, Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар Академияси, Президент девони архиви ва бош архив бошқармаси комиссияни барча зарур архив материаллари билан таъминласин.

3. Ўзбекистон телерадиокомпанияси, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига комиссия фаолиятини ҳамда шу масала билан боғлиқ мавзуларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Комиссия бир ой муддатда ушбу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,1999 йил 12 май.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

АКС САДО МУЛОҚОТЛАРИ

КАДРЛАР тайёрлаш Миллий дастурига кўра вилоят умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртларида ташкил этилган «Акс-садо» гуруҳлари Президентимиз асарлари, матбуотда эълон қилинган фармонлар, ҳукумат қарорларини ўқитувчилар онгига сингдиришда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Хусусан, Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Ўртачирчиқ, Пскент туманлари ўқув муассасаларида ташкил этилган «Акс-садо» гуруҳлари асосан ўқитувчилардан иборат. Улар белгиланган жадвал асосида вилоят халқ таълими бошқармаси қошида ташкил этилган ўқув курсларида малакали халқаро шарҳловчиларнинг маърузаларини тинглаб, ўз савияларини ошириб бормоқдалар.

Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.

«ШОДЛИК»ДАН ҲАММА ШОД

ОҚҚЎРҒОН туманида аҳолига хизмат кўрсатаётган дорихоналар сони яна биттага кўпайди.

Ўзбекистон «Соғлом авлод учун» ҳайрия жамғармасининг туман бўлими «9 май — Хотира ва Қадрлаш куни» байрамига ўзига хос совға тайёрлади. Бутун туман бўйлаб байрам тантаналари давом этаётган пайтда янги дорихонани ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Дорилар бирмунча арзон нархларда сотилаётган ушбу янги бинони ҳайрия жамғармаси туман бўлими қошида ташкил этилган «Шодлик» деҳқончилик фирмаси қуриб берди.

Самад САРИМСОҚОВ.

УЧ НОГИРОН ВА УЧ ЭГИЗАККА — ТЎРТ СИГИР

КАМ таъминланган оилаларни ижтиомоий ҳимоялаш борасида Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги фаолияти чиндан ҳам эътиборга лойиқдир. Бундай хонадонлар аниқ рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ҳар бири учун ҳомий тайинланган.

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда бу борада мунтазам ўтказиб туриладиган мулоқотлар эса ночорлар, ёрдамга муҳтожларни аниқлашдаги қулай восита бўлиб қолди.

Яқинда туман ҳокимлиги томонидан маҳаллалар ҳаёти яна бир бор пухта ўрганиб чиқилди. Қатор оилаларга қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилди. Уруш ногиронларидан уч нафарига ва уч эгизакни парвариш қилаётган она — Марям Утеповага биттадан сигир совға қилинди.

Саид ВАЛИЕВ.

ҲАР ҚИШЛОҚДА БИР БОЗОР

ҚУЙИЧИРЧИҚ тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан йирик қишлоқлар марказларида бозорчалар очишга киришилди.

УШБУ тадбирни амалга оширишдан мақсад тумандаги аҳоли гавжум яшайдиган барча қишлоқларда шу йилнинг охиригача бозорчаларни қуриб ишга туширишдир. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон» тажриба хўжалигининг 9-бўлими маркази ва «Қўрғонча» қишлоғидаги мавжуд бозорлар кенгайтирилмоқда. Шунингдек, Дўстлик шаҳри, «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги маркази, М. Отажонов номли жамоа хўжалигининг «Мевазор» бўлими ва бошқа гузарларда ҳам янги бозорлар қурилиб, шу йил ишга туширилади.

Самад ЙЎЛДОШ.

«ОБИКОН» СУВИ «ҚУЁШ»ГА ОҚАДИ

АҲОЛИГА қулайлик яратиш борасида Паркент туманида эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Хусусан, бу йил хонадонларни ичимлик суви билан таъминлаш ўтган йилларгадагига нисбатан жадаллашди.

Яқинда ҳудуднинг «Обикон» қишлоғидаги «Кумуненон» булоқ сувини «Қуёш» қўрғонидаги ҳар бир оилага қувурлар орқали етказиб бериш ишлари бошлаб юборилди. «Вилоятсувоқава» трестининг туманлараро бирлашмаси ишчилари 14 километрлик масофанинг дастлабки бир километрига қувурларни ёт кизиб бўлдилар.

Мутахассислар томонидан мазкур булоқ суви ўз хусусиятларига кўра саломатлик учун ўта фойдали эканлиги асослаб берилди.

Шаҳло ОБИДОВА.

КОММЮНИКЕ ИМЗОЛАНДИ

Бугун Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси ўртасида Коммюнике имзоланди.

Ушбу ҳужжат фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ЕХҲТнинг инсоний ўлчамлар бўйича мажбуриятларига дахлдор масалалар юзасидан ҳамкорлик ҳамда маслаҳатлашувларни давом эттириш мақсадида қабул қилинди.

Коммюникени Ўзбекистон ҳукумати номидан Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, ЕХҲТ номидан эса — ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси директори Жерар Штудман имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ижрочиси номидан ҳужжатга шу марказ директори Акмал Саидов имзо чекди.

«ЖАҲОН» АА.

М. РЎЗМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ҚИШЛОҚ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол қатнашаётганлиги учун Миразиз РЎЗМАТОВ Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил 14 май.

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИГА АМАЛ ҚИЛИБ

ЎЗБЕКИСТОН Президенти Ислом Каримовнинг «9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши адолатли ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилига амал қилинаётганлигининг яна бир амалий исботидир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармасининг бўлим бошлиғи Н. ҚАРШИБОЕВ билан суҳбатимиз ҳам Фармоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамияти хусусида бўлди.

— Шубҳасиз, ушбу Фармон республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда муҳим воқеадир, — деди Назар Абсаломович, — Адолат тамойили шаклланган мамлакатда асосий уч субъект — давлат, жамият ва фуқаролар орасидаги узвий боғлиқлик ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Зеро, мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қонунлар негизида инсон манфаатларини ҳимоялаш ғояси ётади.

Юртбошимиз кўп бор таъкидлаган «Инсон ҳуқуқи давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили» бу борада асосий йўналишдир. Адолатли жамиятда инсон, унинг ҳуқуқи, шаъни қадрланади. Шу жиҳатдан олганда, эълон қилинган амнистиянинг асосий мезони инсон манфаатларидир.

— Мазкур ҳужжатнинг муқаддам эълон қилинган амнистия тўғрисидаги фармонлардан фарқи нимада?

— Биринчидан, бу фарқ шундан иборатки, миллий паспортлари ёки уларнинг маълум бир мамлакат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган чет давлатлар ёки МДҲ мамлакатларининг фуқаролари жазони ўташдан озод этилади.

Иккинчидан, фармонда бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар кўрсатилиб, амнистия қўлланилаётган маҳкумларнинг фуқаролигини тасдиқловчи керакли ҳужжатлар бўлмаса, уларнинг тегишлилиги маҳкум мансуб мамлакатда амалда қўлланилаётган қонунчиликка биноан ҳал қилинади. Маҳкумнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ белгиланади.

Жазони ўташдан озод этилган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилади.

Президентимиз томонидан 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилиниши инобатга олинган ҳолда, ёшидан қатъий назар аёлларга амнистия қўлланилиши кўзда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, агар биринчи марта судланган бўлса, амнистия ўта оғир жиноятлари учун ҳукм қилинган, уюшган гуруҳ таркибида ёки унинг манфаатларини кўзлаб ёхуд жиноий уюшма таркибида содир этган жиноятлар учун ҳукм қилинган аёлларга ҳам қўлланилади. Президентимиз томонидан хотин-қизларга бундай меҳр-шафқат кўрсатилиши мамлакатимизда аёлларга бўлган беқиёс ғамхўрликдан далолатдир.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан яна бири суд ҳукми билан жазога маҳкум этилган, лекин ўз айбини тушуниб, чин дилдан пушаймон бўлган маҳкумларнинг жазодан озод қилинишидир.

Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилиниши ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун судланганларни тўлиқ, оғир жиноятлар учун судланганларнинг эса қарийб ярмини озод қилиш имконини беради.

Аввалги амнистия тўғрисидаги фармонлардан фарқли ўлароқ, мазкур ҳужжатнинг 9-бандида жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини қисқартириш кўзда тутилган. Бундан мақсад — гарчи улар оғир, ўта оғир жиноятлар учун судланган бўлсалар-да, уларда эртанги кунга умид уйғотиш, уларнинг инсоний ҳуқуқларини эътиборга олиб, оиласи бағрига қайтишига, янги ҳаёт бошлашига имконият яратишдир.

Президентимизнинг мазкур Фармони, шак-шубҳасиз, мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик ҳуқуқий жамиятида инсон манфаатларини таъминлаш, адолат мезони устувор тамойиллардан эканлигининг ёрқин исботидир.

Суҳбатдош: Турсунбой БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ИСЛОҲОТ ИНШООТЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ йилларида Паркент тумани марказининг қиёфаси тамомила ўзгариб кетди. Жамоли тобора очилиб бораётган марказий кўчанинг икки чеккасидаги шарқона услубда қурилган шинам хусусий дўконлар, ошхоналар, кенг майдонни эгаллаган деҳқон бозори, шоҳбекат, маиший хизмат шахобчалари — буларнинг ҳаммаси ислоҳотлар мевалари сифатида ҳудуд аҳлига ардоқли ва файзлидир. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида эса ёшларнинг «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. 9 май — умумхалқ байрами кунида фойдаланишга топширилган Хотира хиёбони ва унда ўрнатилган Мотамсаро она ёдгорлиги қурувчиларнинг юксак диди ва нафис меҳнатидан далолат бериб турипти. Туманда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этувчи одил суд биноси қурилиши ҳам қисқа муддатларда ниҳоясига етди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида чапдан ўнгга) туман суди раиси Шуҳрат Шарипов ҳамда котиба Гулчеҳра Исмоилова қабул пайтида; туман халқ суди биносининг умумий кўриниши.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҲАММАСИ ТАЙЁРГАРЛИККА БОҒЛИҚ

ШУ йил 13 май куни Ангрен шаҳрида «Ўрта мактаблар, касб-ҳунар билим юртларида ҳарбий таълим дарслари самарадорлигини ошириш ва Қуролли Кучлар сафига чақирилувчи ёшларда ҳарбий тайёргарлик кўникмаларини шакллантириш» мавзуида амалий-услубий машғулотларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда шаҳар ва туманлар ҳокимлари муовинлари, халқ таълими бўлимлари мудирлари, «Камолот» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари, шунингдек, спорт қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Семинарни вилоят ҳокими муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Анжуманда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматулла Тошхўжаев ахбороти тингланди.

Кейинги йиллар ичида шаҳар ва туманлар мактаблари, касб-ҳунар билим юртлари фаолиятида бирмунча силжишларга эришилганлиги қайд этилди. Ҳарбий таълим дарсларига малакали мутахассисларни жалб этиш, бу фан учун махсус кабинетлар жиҳозлаш юзасидан сезиларли тадбирлар амалга оширилди. Ҳарбий қисмларга чақирилувчиларни жисмоний чиниқтириш, уларни ёш аскар ўқувчилари қурсидан хабардор қилишга эътибор кучайтирилди. Хусусан, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Қибрай, Паркент туманлари ўқув юртларида ана шу саъй-ҳаракатлар ижобий натижалар берди.

Айни пайтда бу масалага вилоятда ҳамон етарли аҳамият берилмаяпти. Айниқса, Бўка, Оққўрғон, Тошкент туманларидаги мактабларда моддий базанинг ночорлиги туфайли ҳарбий таълим дарслари сўст ўтмоқда. Бу ҳудудларда бўлажак аскарларни тайёрлаш учун зарур бўлган чиниқиш майдонлари, тўсиқларни енгиб ўтиш майдончалари ҳозирланмаган. Энг ачинарлиси шундаки, ҳар йили йиғилишларда ана шу ҳақда гап боришига қарамай, аҳвол ўзгармай қоляпти. Ваҳоланки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг дастлабки босқичидаёқ бу масала халқ таълими, мудофаа ишлари бошқармалари, бўлимлари тизимидаги барча муассасалар диққат марказида бўлиши зарурлиги уқтирилган эди.

Семинарда Ангрен шаҳри ҳокими Илҳом Асадов, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев ва бошқалар ўқув юртларида ёшларни ҳарбий таълим бўйича тайёргарлигини яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Шу куни анжуман иштирокчилари Ангрен шаҳридаги 6-, 8-, 14-мактабларда, иқтидорли болалар лицейида, 14-касб-ҳунар мактабида бўлдилар, ўқитувчилар тажрибаси, ҳарбий-таълим ўқув-моддий базаси билан танишдилар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ОИЛА ПУДРАТИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯРАТИЛГАН

БОЗОР иқтисодига ўтиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги энг муҳим муаммолардан бири меҳнатни ташкил этишнинг деҳқонлар учун мақбул бўлган илғор усулларини жорий қилишдан иборат эди. Ана шу борада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида оила пудрати мақсадга мувофиқ эканлигини ҳаётий тажриба кўрсатди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик, Ер Кодекслари», «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун, «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила, жамоа пудрати тўғрисида»ги Намунавий Низом билан тартибга солинади. Уларда оила пудратининг вужудга келиш замини, шартномани тузиш йўриқлари ва мазмуни, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартларни бузганлик учун юридик жавобгарлиги каби масалалар тартиби тўлиқ ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 51-моддасида кўрсатилишича, оила пудрати бу қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти томонидан оилага шартнома шартлари асосида вақтинча фойдаланишга берилган ер участкаларида маҳсулот етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган бир шаклдир.

Оила пудрати муносабатларида пудрат топшириғи асос бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан оила пудрати муносабатларига мустақил хўжалик юритиш шакли сифатида қараш керак эмас. Ўз мазмунига кўра у ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобининг бир тизими сифатида эски хўжалик юритиш шаклларига қараганда қатор ижобий хусусиятларга эгадир. Бунда оила зиммасига ширкат хўжалиги ҳуқуқларининг бир қисми — меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, даромадларни тақсимлаш, ходимлар сони, иншоотлардан фойдаланиш ва иш вақти, режадан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларга тааллуқли вазифалар юкланади. Ушбу мезонлар бир томондан пудратчи оиланинг ҳуқуқлари ва хўжалик мустақиллигини тўбдан ошишига олиб келса, бошқа томондан ширкат хўжалиги ҳар бир таркибий тузилмасининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун мажбуриятлари ва моддий жавобгарлигини аниқ белгилашни тақозо этади. Бу пудрат муносабатларининг асосий хусусиятларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин: биринчидан, оила пудратчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимида мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланмайди, у ширкат хўжалиги субъекти бўлади. Иккинчидан, оила пудратчилари ишлаб чиқариш воситаларини берган ширкат хўжалигининг топшириқларини бажарадилар. Учинчидан, Оила пудратчилари етиштирилган маҳсулотни ширкат хўжалигига топширишга мажбурдирлар. Тўртинчидан пудратчилар ердан бирламчи фойдаланувчилар ҳисобланмайдилар. Ер ширкат хўжалиги эгалигида қолади.

Қонун қабул қилинди, у ижро этиляптими?

Бу усулдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларда унинг вужудга келиш асосларига ҳам алоҳида эътибор берилган. У тенглик ва мустақил тарзда тузиладиган шартномага мувофиқ шаклланади. Бу шартнома фуқаролик, меҳнат, ширкат, ер ҳуқуқи меъёрларидан иборат қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг яхлит бирлигини ўзида ифода этади.

Оила пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқаруви органлари билан оила бошлиғи ўртасида тузилади. Уни тузиш учун, аввало, ширкат хўжалиги бошлиғи номига ариза ёзилади. Аризада эса пудратчига бериладиган ер участкасининг ўлчами, етиштириладиган маҳсулот тури, оиладаги меҳнатга лаёқатли аъзоларнинг сони кўрсатилиши керак.

Шуни унутмаслик зарурки, оила пудрати шартномасини тузиш танлов асосида амалга оширилади. Аризалар танлов эълон қилингандан кейин бир ой ичида кўриб чиқилиб, улар бўйича ўн кунлик муддатда хўжалик бошқаруви томонидан бир қарорга келинади. Танловда ширкат хўжалиги аъзоларининг қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибаси ҳамда экин майдони, маҳсулот бирлигига кетадиган меҳнат сарфларининг белгиланган меъёрлари ҳисобга олинади.

Шартномада ер участкасининг миқдори, жойлашган манзили, унумдорлик даражаси, ер участкасидан фойдаланиш шартлари, томонларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш бўйича мажбуриятлари, етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, маҳсулот баҳоси, унга ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари, суғориш учун пудратчини сув ва моддий техника ресурслари билан таъминлаш, томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлиқ учун жавобгарлиги ва бошқа ҳолатлар аниқ ифода этилади.

Шунингдек, оила пудрати муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда шартнома субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга ҳам муҳим аҳамият берилади. Унга кўра оила пудратчилари шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирган маҳсулотни шартнома бўйича эркин нархда сотиш, ижтимоий таъминот ҳуқуқларидан, ижтимоий суғурта ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш, ўзига етказилган зарарни ундириш каби ҳуқуқларга эга. Пудратчилар берилган ер участкасидан шартнома шартлари асосида фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириш, атроф-муҳитни асраш, агротехника қоидаларига риоя қилиш, топшириқларни ўз вақтида бажариш каби мажбуриятларга эга бўладилар.

Ўз навбатида ширкат хўжалиги ҳам пудратчининг ишларини текширишга, агар у шартнома шартларини бажармаса, шартномани бекор қилишга, ўзига етказилган зарарни ундиришга ҳақлидир. Ширкат хўжалиги ер участкасини ва бошқа мол-мулкларни пудратчига далолатнома асосида бериш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга ошириш, пудратчининг уруғ, ўғит, кимёвий воситалар, техника билан таъминлаш, зарур хизматлар кўрсатиш, агротехника тадбирларини ўтказишга ёрдам бериш, етиштирилган маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш ҳамда унга ҳақ тўлаш каби мажбуриятларни бажариши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда оила пудрати муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тизими яратилган бўлиб, улар давлатимиз аграр сиёсатини тўғри амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолининг моддий турмуш фаровонлигини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадал рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дилшод ТОЖИБОЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти тадқиқотчиси.

МАКТУБЛАР, МАКТУБЛАР, МАКТУБЛАР...

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА АНЖУМАН

КЕЙИНГИ йиллар ичида ҳуқуқ тарғиботини кенг йўлга қўяётган Тошкент Давлат юридик институтида олий ўқув юрти қошидаги «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази», Республика Олий суди, Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида «Виждон эркинлиги: муаммолар, изланишлар ва тажрибалар» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Бу мулоқот иштирокчилари «Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», «Адлия идораларининг роли», «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган жиноятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида», «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва диний экстремистик ғояларга қарши кураш муаммолари ҳақида» ва бошқа қатор мавзуларда ҳуқуқшунос олимлар, прокуратура, суд, ички ишлар мутахассис ходимларининг маърузаларини тингладилар.

Дилшод ТОЖИБОЕВ,
ҳуқуқшунос-мутахассис.

САНЪАТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА фаолият кўрсатаётган мусиқа, санъат мактабларининг ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик ниҳоясига етди. Танловда иштирок этган 86 нафар қатнашчидан 38 нафари совринли ўринларга лойиқ деб топилди.

Биринчи ўринни олганлар орасида Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларидаги 8-,11-, 7-, Чиноз, Бўка, Ўртачирчиқ, Қибрай туманларидаги 35-,32-, 19-, 2-санъат ва мусиқа мактабларининг ўқувчилари Янис Гусак, Атхам Ашуров, Соҳиб Орипжонов, Хусан Хотамов, Саидкамол Шарофиддинов, Бекзод Раҳмонов, Малоҳат Наби ева ва бошқалар бор.

Абдуманноб ЖАМОЛОВ,
мусиқашунос-мутахассис.

СУСАМ ОБОД БЎЛМОҚДА

ТОҒЛАР ёнбағрида жойлашган «Сусам» қишлоғининг кўрки мустақиллик йиллари ичида ўзгача тус олди. Бу ерда янги қишлоқ врачлик пункти, АТС, кутубхона, клуб, хусусий дўконлар қад кўтарди. Телов қўрғонида 21 километр масофага газ қувурлари ётқизилди, 6 километр узунликдаги йўлларга асфальт ётқизилди.

Бу тадбирлар йил сайин иқтисодини мустаҳкамлаб бораётган Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раҳбариятининг ғамхўрлиги туфайли амалга ошмоқда.

Ана шу эътиборга мувофиқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда барқ уриб ўсаётган ғаллазорларни озиқлантириш, тутзорларда парвариш ишларини кучайтириш билан шуғулланмоқдалар.

Теша ШЕРАЛИЕВ,
меҳнат фахрийси.

МАРҲУМЛАРНИ ЁД ЭТИШДИ

МИЛИЦИЯ старшинаси Ўктам Раҳматов ва катта сержант Ботирали Болтабоевларнинг номлари «Маъюс она» ёдгорлиги рўйхатига киритилган. Улар мустақил Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўз хизмат бурчларини шараф билан адо этиб, ҳалок бўлишган.

9-май Хотира ва Қадрлаш кунида вилоят Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиб ходимлари «Маъюс она» ёдгорлиги ёнига йиғилдилар. Маросимда вилоят ИИБ фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, республика фахрийларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кенгаши аъзолари, ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ва яқинлари иштирок этдилар.

Шу куни бу ерда ҳалок бўлганларнинг ёрқин сиймоларини акс эттирувчи, улар босиб ўтган йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Хотира бурчаги»нинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вилоят Ички ишлар идораларида хизмат қилган, уруш жанггоҳларидан омон қайтган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, хизмат вақтида ногирон бўлиб қолган ходимларнинг оила аъзоларига вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилди.

«Дўрмон» жамоа хўжалиги боғида бир пиёла чой баҳона уруш қатнашчилари шарафига таниқли санъаткорлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши аъзолари «Чиғатой» қабристони ва Тошкент туманидаги қабристонларга бориб, марҳум ҳамкасбларининг ёрқин сиймоларини ёд этиб, қабрларини зиёрат қилдилар.

Мақсуда СУЛТОНОВА.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонимизда иқтисодий ислоҳотлар билан бирга ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштиришга қаратилган сиёсий ислоҳотлар ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг иноқлиги ва миллатлараро тотувлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир киши ижтимоий ҳолати, ғоявий эътиқоди, миллатидан қатъий назар, ўзини тенглар ўртасида тенг деб ҳис қиляпти. Бунга «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳам ўзининг баҳоли-қудрат ҳиссасини қўшмоқда. У Республикамиз Президенти Ислом Каримов эълон қилган ислоҳотлар йўлини тўла қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон халқларининг якдиллигини таъминлашга ҳисса қўшишни ўз фаолиятининг дастури деб ҳисоблаяпти. Бу йўналишда у барча жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

«Халқ бирлиги» ҳаракати Тошкент вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги иккинчи конференциясида ана шулар ҳақида гапирилди. Унда бу ҳаракатнинг 1995-1998 йиллардаги фаолияти натижалари якунланди, ютуқлар қатори ишда йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонлар тилга олинди. Кенгаш бошқаруви ва ҳайъати, тафтиш комиссияси сайланди, келажак учун аниқ иш режалари белгиланди.

— Республикамизда яшаб турган барча миллатлар ва элатлар ўртасида дўстликни, ўзаро ҳамкорликни ва ҳурмат-эътиборни мустаҳкамлашга қаратилган ишни ташкил этишимизда бизларга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган қийинчиликлар бор, уларни бартараф этиш учун муайян вақт талаб этилади, — деди конференцияда ҳисобот маърузаси қилган «Халқ бирлиги» ҳаракати Тошкент вилоят Кенгашининг раиси Ш.А.Миралимов. — Ҳаракатимиз ишининг фаоллашишига тўсқинлик қилаётган сабабларнинг бири шундаки, биз ўз ишимиз, олдимизда турган вазифалар ва режалар тўғрисида ниҳоятда кам ахборт берамиз. Афсуски, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ҳам нуқсонлар бор. Кўпроқ ташкилий ишлар билан шуғулланиб, тушунтириш ва тарғибот ишларини деярли унутиб қўйдик.

Халқ бирлиги: бугун ва эртага

Конференцияда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди. Бу ҳақда комиссия раиси Назира Акбарова маъруза қилди.

Маърузалар юзасидан музокараларда Оҳангарон корейс маданияти марказининг раиси Г.Шин, Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Ш.Осмонов, Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг ҳамраиси, байналмилал маданият маркази директори К.Расулов, ҳаракатнинг Паркент тумани бўлими раиси М.Тоиров, Аграр университет ректори, профессор Х.Бўриев ва бошқалар сўзга чиқиб, шуни таъкидладиларки, ўтган давр «Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят Кенгашининг фаолиятида шаклланиш, ишнинг янги усулларини излаш даври бўлди.

Шу вақт ичида вилоятда бир қанча мазмунли ва фойдали тадбирлар ўтказилди. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг Ангренда тақдимотини уюштириш, ҳаракат маҳаллий ташкилотларининг «Миллатлараро тотувликни ва ўзаро ҳурмат-эътиборни мустаҳкамлаш муаммолари», «Амир Темурнинг Мовароуннаҳр халқларини жипслаштиришдаги роли» мавзуси бўйича ўтказилган илмий-амалий конференциялар, Бекободда, Зангиота тумани, Янгибозор ва бошқа шаҳар-туманларда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш муаммолари бўйича ташкил этилган давра суҳбатлари ва бошқалар шулар жумласига киради.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда вилоят Кенгаши ҳайъати, ҳаракат ташкилотлари зиммасига Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омиллари ва режаларини амалга оширишда ўз иштирокини фаоллаштириш вазифаси юкланди.

Конференцияда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев сўзга чиқди.

* * *

«Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят Кенгашининг ташкилий пленумида Ш.А.Миралимов унинг раиси, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В.Арутюнян, Олмалиқ шаҳар ҳокими Ю.Беланов, Юқоричирчиқ тумани ҳокими М.Қалқуловлар ҳамраислар қилиб сайландилар.

С.ЛЕВЧЕНКО.

ҚАЛБИМИЗДА ТИРИКСИЗ

ВАТАНИМИЗ озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз ҳаётини қурбон қилган сафдошларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этамиз, мавзуида ўтказилган тадбир вилоят божхонаси ходимлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади. Бу тадбир Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилди.

«Май» қўрғонидаги Саидакбар Нажимов номли 9-божхона мажмуида ходимлар хизмат бурчини ўтаётган пайтида мардлик ва жасорат кўрсатган сафдошлари Бахтиёр Комилов, Саидакбар Нажимов, Бекпўлат Сиддиқов, Абдурауф Азимов, Хуршид Ғозибеков ва Александр Костенколарнинг хотирасини ёд этдилар.

Йиғилишда вилоят Божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Алишер Аманбоев, марҳум божхоначиларнинг ота-оналари, умр йўлдошлари, фарзандлари сўзга чиқдилар ва кўрсатилган эҳтиром учун миннатдорчилик билдирдилар. Шу куни Саидакбар Нажимов сийна-ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Ботир ҲУСАНБОЕВ,
Вилоят божхона бошқармаси матбуот маркази ходими.

РОССИЯ: ҲУКУМАТ РАИСИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

РОССИЯ Федерациясида ҳукумат алмашди. 12 май куни Президент Борис Ельцин бош вазир Евгений Примаковни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Б.Ельцин бу қарорни қабул қилишдан аввал Е.Примаков билан учрашди. Мулоқот чоғида янги бош вазирнинг номзоди ҳам кўриб чиқилди. Хабарларга қараганда, президент бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келаётган Сергей Степашинга вақтинча ҳукуматни бошқариб туришни топширган.

Россия раҳбари, шунингдек, ҳукумат раисининг янги биринчи ўринбосари вазифасини бажаришни Николай Аксененкога топширди. У шу пайтгача Темир йўллар вазирлигини бошқариб келаётган эди.

Энди Евгений Примаковга келсак, маълумки у жуда оғир вазиятда, мамлакатда кучли инқироз ҳукм суриб турган вақтда ҳукумат тепасига келган эди. Е.Примаковнинг бош вазир лавозимини эгаллаши мавжуд сиёсий кучларнинг барчасига ўз даврида маъқул бўлган эди. Кузатувчилар фикрича, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барқарорлашуви Е.Примаковнинг номи билан боғлиқ. Президент Б.Ельцин ҳам унинг хизматларидан кўз юммади. Ҳукумат ўз олдига қўйилган вазифаларни бажарди, деди у. Айни пайтда Б.Ельцин бу вазифалар тактикавий бўлганини, стратегик масалалар эса ҳамон ечимини кутиб ётганини ва мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ўзгармаётганини таъкидлади.

Президентнинг нима учун ҳукумат раисини бўшатишга қарор қилгани ҳозирча номаълум. Россия сиёсий доираларида, айниқса, сўл доираларда президентнинг фармони унчалик хуш қаршиланмаяпти. Хусусан, давлат думаси раиси Г.Селезнёв Б.Ельциннинг қарорини «Унинг энг катта хатоси», дея изоҳлади. Айрим сиёсатчилар қарордан ташвиш билдирган бўлса, бошқалари ортиқча хавотирсиз қабул қилмоқда.

Россия ҳукумати аппарати раҳбари Ю.Зубаков ҳукумат раисининг лавозимидан кетиши унинг ўз ташаббуси билан эмас, балки Президент таклифи билан бўлганини айтди. Лекин у ҳам истеъфонинг асл сабабларига тўхталмади.

«Яблоко» ҳаракатининг думадаги фракцияси етакчиси С.Иваненко эса Е.Примаков раҳбарлигидаги ҳукуматни танқид қилди. Унинг фикрича, ҳукумат айниқса иқтисодиётни ўнглаш бўйича қатъий қарорлар чиқаришга ботина олмаган. Масалан, солиқ, молия соҳаларини ислоҳ қилиш, иш ҳақи бўйича давлат қарзларини қоплаш масалалари очиқлигича қолди, деди у.

Е.Примаковнинг истеъфоси Россия молия бозорларига ҳам таъсир қилди. Айни пайтда миллий валюта рубл ҳамда бошқа давлат қимматли қоғозларининг баҳоси туша бошлади.

Кузатувчилар, нима бўлганда ҳам, Россияда ҳукумат раиси истеъфога чиқиши муносабати билан бирор ижтимоий ёки сиёсий инқироз юз бермайди, деган фикрда. Қатор вазирлик ва идоралар Е.Примаковнинг лавозимидан четлатилиши уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатмаслигини билдирди. Конституцияга мувофиқ, давлат бошлиғи янги бош вазир номзодини давлат думасига киритиши лозим. Кузатувчилар янги ҳукумат раисини тайинлаш жараёни конституцияга мос равишда амалга оширилади, дея умид билдиришмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ислоҳот одимлари

АСОСАН ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги» пахта тозалаш заводи саноатимиз шу тармоғининг энг кенжа корхонаси ҳисобланади. Унинг ишлаб чиқариши анча такомиллашган, шу жиҳатдан ноёб ҳисобланади, замонавий технология жорий қилинган, қатор асбоб-ускуналари хорижий мамлакатлардан, жумладан, АҚШдан келтирилган.

Корхона жамоаси мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичини йил сайин ошириб бормоқда. Биргина ўтган йили Янгийўл туманидаги жамоа хўжаликларидан 15741 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олдилар. Шу вақтгача унинг аксарият кўпчилик қисми қайта ишланди. Ажратиб олинган тола ҳажми эса 3840 тоннани ташкил этди.

Корхона ишчи-хизматчилари ишлаб чиқариш технологиясига қаттиқ риоя қилишмоқда, ундан четга оғишлар барҳам топгани, иш сифатига алоҳида эътибор берилаётганлиги учун ҳам меҳнат ютуқлари дуруст бўлмоқда. Айниқса, тола сифатининг жаҳон мезонлари даражасида бўлишига эришилмоқда. Шунинг учун ҳам заводнинг хорижий буюртмачилари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Йил бошидан бери Англия, Швейцария, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа қатор мамлакатлардаги кўплаб мижозларга тола юборилди. Ҳозиргача уларга етказиб берилган жаъми маҳсулот ҳажми 3700 тоннадан ҳам ошиб кетди, у ишлаб чиқарилган бундай маҳсулотнинг деярли 95 фоизини ташкил этди.

Корхона жамоаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ҳам бир маромда ишлаб, барча маҳсулотлар — тола, момиқ, чигит тайёрлаш режаларини ойма-ой 102-104 фоиздан бажариб келмоқда.

— Корхонамиз 1997 йилда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланди, — дейди унинг раҳбари М. Мирзахонов. — Шундан кейин ҳар бир пахта тозаловчи, у оддий ишчи ёки раҳбар ходим, мутахассис бўлмасин, маъсулият ҳиссини янада чуқурроқ ҳис қиладиган бўлиб қолди. Чунки, ўзимизники, моддий манфаатдорлигимиз меҳнатимиз натижасига боғлиқ бўлиб қолди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кўпроқ маблағ сарфлаш учун акциялар чиқардик. Жаъми бўлиб ҳар бирининг номинал қиймати 431 сўмлик 23071 дона шундай қимматли қоғозлар сотишга қўйилди. Ундан тушган маблағ айланма сармояга қўшилмоқда. Натижада технология жараёнларини янада такомиллаштириш, шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчи-хизматчиларга қулай иш шароитларини яратиш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш ва шу каби муҳим ишларни амалга оширишга маблағ ажратиш имкони кенгайди.

Ҳиссадорлик жамиятида беш юздан ортиқ кишидан иборат байналмилал жамоа бир оила аъзоларидек фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳар касбнинг ўз илғорчи Саодат Абдураҳмонова, таъмирловчи Нурмат Ғаффоров, оператор Абдуманноп Абдуҳакимов ва бошқалар шундай ишчилардандир. Улар ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан бутун жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозонишган. Шу кунларда ҳам мавжуд пахта хом ашёсини қайта ишлашни тезроқ тугатиб, янги «оқ олтин» ҳосилини пухта қабул қилиш юзасидан ҳозирлик ишларида бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Собир МУҲАМЕДОВ.



СУРАТЛАРДА: катта пресcловчи Ботир Туллаев; техника назорати бўлими бошлиғи Раҳима Эшонқулова (чапда) ва товаршунос Санобар Нишонбоева иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар; созловчи Доно Алимбекова жин машинаси ишини кузатмоқда.

Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚАРО СЕССИЯ — ТОШКЕНТДА

ҲА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА мамлакатимиз пойтахти йирик халқаро анжуманлар ўтказиладиган нуфузли шаҳарга айланиб қолди. Ҳафта бошида Ўзбекистонда Франциянинг миллий мудофаа масалалари бўйича олий тадқиқотлар институтининг 51-кўчма сессияси-нинг ўтказилиши ҳам кўпчилик эътиборига тушди. Шу муносабат билан Тошкентга ташриф буюрган ҳориж-лик меҳмонлар пойтахти-мизнинг диққатга сазовор ташки-лотлари ва идоралари-да бўлдилар. Франция миллий мудофаа масалалари бўйича олий тадқиқотлар институтининг директори Реймон Жерманос ўз ҳамкасблари билан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлди. Бу ерда улар ташқи сиёсат ва мудофаа масалаларига бағишлаб ташкил этилган конференцияда иштирок этдилар. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Файзуллаев мамлакатимиз ташқи ҳамда мудофаа сиёсатининг асосий тамойиллари, бу соҳада амалга оширилаётган эътиборли ишлар ҳақида гапириб берди.

Ўз навбатида сўз олган Р. Жерманос ўз институтининг 51-кўчма сессияси Ўзбекистонда ўқазилаётгани бежиз эмаслигини таъкидлади. Франциянинг миллий мудофаа масалалари бўйича олий тадқиқотлар институти фаолияти, шунингдек, институтнинг мансабдор шахсларга, зобитларга, хусусий корхоналар раҳбарларига миллий мудофаа ҳақида кенг ахборот бериши, мудофаа борасида тадқиқотлар олиб бориши, бу масала билан шуғулланадиган ўқув даргоҳларига ёрдам кўрсатилиши хусусида кенг тўхталди.

Маълумки, институтнинг қўшма сессияси ҳар икки йилда бир марта ташкил этилади. Ўзбекистонда ўтаётган 51-кўчма сессиядан мақсад тингловчиларга мудофаанинг асосий йўналишлари, илмий-техникавий ҳамда сиёсий-жўғрофий омиллар ҳақида маълумот бериш, дунёда пайдо бўлаётган турли тахдидлар, қуролли кучлар олдида турган янги вазифаларга алоҳида эътибор қаратишдир.

Ўзбекистон ва жаҳон

Сессия давом этаётган кунларда делегация аъзоларининг бир гуруҳи Чирчиқ шаҳридаги Танк қўмондонлари ва муҳандислари олий билим юртига ташриф буюрдилар. Иккинчи гуруҳ эса Франциянинг Тошкентдаги Марказий Осиёни тадқиқ этиш институтида бўлди.

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ташкил этилган «Марказий Осиёда атроф муҳит муаммолари» мавзуидаги давра суҳбати ҳам эътибордан четда қолмади. Унда Франция миллий мудофаа масалалари бўйича олий тадқиқотлар институти делегацияси вакиллари, «Экосан» халқаро жамғармаси, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва муассасалар ходимлари иштирок этдилар. Мулоқот чоғида Марказий Осиёдаги экологик муаммолар, хусусан, Орол масаласи, атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, экологик ёчимларнинг умумбашарий муаммоларга айланиб кетаётганлиги ҳақида сўз борди.

ЯХШИ НИЯТЛАР БИЛАН

АҚШ — ЎЗБЕКИСТОН қўшма комиссияси қўмитасининг ҳамраиси Ян Калицки 18 май куни Ўзбекистонга ташриф буюради. У мазкур комиссиянинг иккинчи кенгаши мажлисида иштирок этади. Маълумки, комиссиянинг биринчи мажлиси 1998 йилнинг 26-27 февраль кунлари Вашингтонда бўлиб ўтган эди. Савдо, инвестиция ва энергетика масалалари бўйича ҳамраис ҳисобланган Я. Калицки ўшанда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларга катта баҳо берган эди. Яхши ниятлар билан мамлакатимизга келаётган Я. Калицки иштирокида 18 май куни матбуот конференцияси ўтказилади. Унда мазкур комиссия томонидан адо этилган тадбирлар ва келажакдаги вазифалар хусусида батафсил ахборот берилади.

КОНВЕНЦИЯ КУЧГА КИРДИ

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ўртасида имзоланган террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция кучга кирди. Расмий хабарларга қараганда, айни пайтда саккиз давлат мазкур конвенцияни ратификация қилганлар. Улар Жазоир, Бахрайн, Миср, Урдун, Бирлашган Араб Амирликлари, Фаластин, Саудия Арабистони ва Тунисдан иборат. Террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция 1998 йил 22 апрелда Қоҳирада ушбу давлатларнинг ички ишлар вазирлари томонидан имзоланган эди.

ОФАРИН, ЖАК, ОФАРИН, ЖЮЛЬЕН!

ЯҚИНДА франциялик сайёҳлар Жак Фон Полие ва Жюльен Дельпешлар ЮНЕСКО ҳомийлигида тайёрланган «Овроосиё бўйлаб 45 минг километрлик саёҳат» лойиҳаси асосида машҳур саркардалар Александр Македонский, Амир Темур, Бобур Мирзо ҳамда сайёҳлар Марко Поло, Александр Гумбольдларнинг юрган йўллари ҳамда Буюк Ипак Йўли йўналишида автомобиль саёҳатига чиқдилар. Ушбу саёҳат 2000 йилнинг 1 февралигача давом этади. Бу даврда улар Атлантика ва Тинч уммони оралиғида жойлашган мамлакатлар — Венгрия, Италия, Туркия, Эрон, Ўзбекистон, Мўғулистон, Украина, Россия, Қирғизистон, Кавказорти давлатлари ва бошқа ўлкаларни зиёрат қиладилар.

Сайёҳлар сафар арафасида Буюк Ипак Йўлида жойлашган Ўрта Осиё шаҳарлари, хусусан, Самарқанд, Бухоро тўғрисида алоҳида гапирдилар. Амир Темурнинг Франция қироли Карл VIга йўллаган мактубидаги «Биз томонга савдогарларни юборинг, чунки, улар орқали маданият гуллайди» деган сатрларини келтириб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихий илдизга эга эканлигини таъкидладилар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● АЙНИ КУНЛАРДА Норвегия оммавий ахборот воситаларида антиқа бир мавзу пайдо бўлди. Кўрсатувларда, эшитиришларда, ахборотларда «Никита» номли осетр балиғи хусусида гап боради.

Бунинг қисқача тафсилоти шундай. 1964 йилда СССР раҳбари Никита Хрушчев Норвегия қироллигида бўлди. У мамлакатнинг қадимий пойтахти Бергенга ҳам сафар қилди. Ўшанда Н. С. Хрушчев улкан бир осетр балиғини туҳфа қилган эди. Орадан 38 йил ўтди. Аммо, бир неча кун муқаддам қаровчининг бефарқлиги яъни сувга кўп туз солиб юборгани ва ҳароратни паст даражада ушлаб турганлиги боис «Осетр Никита» ҳалок бўлди. Шу муносабат билан рўзномалар ғалати «таъзиянома»лар босиб чиқардилар.

● ЖАҲОН спорт тарихида Уимблдон теннис мусобақалари энг нуфузли ҳисобланади. Шу кунларда мусобақа ўтказувчи ташкилот 2001-2005 йиллар учун мўлжалланган ўйинга кириш абонементларини сотажаклигини маълум қилди. Бу чипталарнинг сони бор-йўғи 2300 тадир. Энг яхши ўриндиқлар учун аталган абонементларнинг нархи ҳам ўзига яраша. Уларни ҳар биттаси 23 минг 150 фунт стерлинг (37,4 минг доллар) туради. Рейтер ахборот маҳкамаси ҳайрон: шунча пулга Англиянинг айрим вилоятларида туппа-тузук уй сотиб олиш мумкин экан...

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Номаълум Қизил-қум», «Афрасиеб».
9.15 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Мусиқий саёҳат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс: «Сўнгги найранг». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.30 «Ёрти қулоқ ва яқловлар». Мультфильм.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10-14.30 «Санъат олами».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Дорсдан сўнг».
18.25 «ТВ патруль».
18.35 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбек халқи бағри кенг, кечиримли халқ». Ҳужжатли видеофильм.
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 14-қисм.
22.50 «Диёр мадҳи». Концерт.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 47-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Мучал туйи», мульттомоша»)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.50, 20.20, 23.05-Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.45 «Кунгил наволари». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.45 «Ҳудуд». Олмалик шаҳри.
22.15 «Кулгига нима етсин».
22.25 «Шарқ эстрадаси».
22.40 «Олам футболи».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «20 минг лье чуқурликда» 1-қисм.
00.40 Спорт-қитъаси.
01.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.20 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Бумеранг».
22.10 «Талабларга биноан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Вақт хазинасидан».
*
17.20 «Футбол шарҳи».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Чархпалакнинг эгаси».
18.00 «Ўорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 Мерос «Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Замонавий дизайн».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Жаллод». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА, 18

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Дуторчилар ансамблининг концерти.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 47-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.25 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.40 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
13.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 14-қисм.
14.10-14.25 «Озода бўлса шаҳринг».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
18.45 «Парламент соати».
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахмал». Премьера.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёвуз қулфат изидан». Ҳужжатли видеофильм.
21.45 Олтин мерос. «Насруллоий».
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 13-14 сериялар.

«Тунги ҳамроҳ».

23.10 «Соғинчли салом».
23.35 «Ёшлар ва эстрада».
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 47-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50, 20.20, 23.00-Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Ғазал соғинчи».
20.45 «Мусиқий лаҳза»
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Мусиқий лаҳза».
21.35 «Камолот».
21.55 «Парламент».
22.10 «Муносабат».
22.30 «Мусиқий майдонча».
22 55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «20 минг лье чуқурликда». 2-қисм.
00.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош» Мульттўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55 20:25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 Мусиқий йўлка.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Ёшлар ҳудуди».
22.10 Спорт оламида.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси 6:30-8.00
*
14:00-15:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 СНН. «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
*
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
*
17.00 «Жонли сайёра».
*
17.15 «Куйини топинг».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қабр дараси». 1-серия.
18.00 «Ўорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Мавзу».
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар».
20.00 «Время».
*
20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Сиз кутган учрашув».
21.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Жаллод». Бадиий фильм. 2-серия.
00.00 «Тошкент тароватн». Телефильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 19

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қанотлар остида-бутун бир дунё».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Маслак ва мақсад».
10.25 Кундузги сеанс: «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.20 «Шоирлар-болаларга».
12.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
13.10 -14.00 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 13-14 сериялар.
***
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро»—«Нефтчи», «Насаф»—«Навбаҳор».
17.30 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.10 «Қалб минбари».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 Эстрада тароналари.
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офат ва оқибат». Ҳужжатли видеофильм.
21.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 15-қисм.
22.30 «Қўшиққа кўчган сатрлар». А.Пўлат.
23.05 Футбол майдонларида.
23.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 48-қисм.
00.10 «Ахборот».
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Билагон маслаҳати», Мульттомоша)
18.45 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.40 «Рақурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
21.30, 23.00-Эълонлар.
20.30 «Спектаклдан сўнг».
20.50 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Таниишинг: «Жозиба» гуруҳи».
21.50 «Эркин фикр».
22.10 «Мусиқий лаҳза».
22.15 «Авторейд».
22.25 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
22.30 «Олис сафарлар иштиёқида». Германия музейи.
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
23.00 Синема. «Бермуд учбурчагдаги сир».
00.10 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Ҳалфана».
18.25 «02» тўлқинида.
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳайрли оқшом».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Янги иқтисод». Бевосита мулоқот.
22.15 Эстрада концерти.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Кўзгу». Тележурнал.
00.05 «Бу—джоз».
00.25 Кинонигоҳ.
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Спорт-клуб».
*
17.15 «Маски-шоу».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қабр дараси». 2-серия.
18.00 «Ўорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Инсон ва қонун».
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти совриндорлари-1974 йил».
22.50 Кинематограф: «Фирибгарлик». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 20

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 48-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Япон тили».
10.25 «Мехригиё».
10.45 Кундузги сеанс: «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
12.05 «Саналмлар сарвари». Телетанлов.
12.50 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 15-қисм.
14.10 «Мураббий». Спорт дастури.
14.25-14.45 «Олов домини даф этиб».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Аёл -дунёни тебратар».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Изҳор». Мусиқий дастур.
22.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм 15-16 сериялар.
23.20 «Сомон йўли».
23.50 «Ахборот».
00.20 «Ўҳшаш чехралар».
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 48-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Мезон».
19.50, 20.20, 23.00-Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Бегойим».
20.50 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Қалбим ардоғи».
21.45 «Мутойиба».
22.10 «Давр»-интервью.
22.20 «Одамлар орасида».
22.45 «Мусиқий глобус».
23.05 Футбол. Кубок эгалари кубоги. Финал. «Лоцио» (Италия)—«Мальорка» (Испания)
00.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Болалар олами».
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Дардингизга даво...».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Эстрада қўйларидан концерт.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.10 «Нафосатга бағишда умр». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Жаҳон спорти».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 «Гулистондин жудо». Бадиий фильм. 1-серия.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «ТВ-4 да немис тўлқини».
*
17.15 «Куйини топинг».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Кўк соқол». 1-серия.
18.00 «Ўорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Роман Карцев, Эльдар Рязанов дастурида.
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу»
21.40 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Аль Пачино «Шайтон адвокати» фильмида.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Рақслар гулдастаси».
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қуёш шаҳри- Паркент».
9.05 «Ҳикматлар ҳазинаси».
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Сомон йўли».
11.05 Байдарка ва каноэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.25 «Мехр қолуғи».

«Умид» намойиш этади:

11.40 «Кичкинтой устахонаси».
12.05 «Талабалар саҳнасида».
12.50 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
*
13.40 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
14.10 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 15-16-сериялар.
15.00-15.20 Шарқ тароналари.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Адолат». Ҳуқуқий публицистик кўрсатув.
18.45 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим-истиқболим».
21.25 «Севгилим сени излаб». О. Мадалиев.
22.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ёмғирли оқшом». Қисқа метражли бадиий фильм премьераси.
22.40 «Битик».
23.05 «Ахборот».
23.35 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-2 сериялар
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Китоб жавони», мульттомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 Мусиқий лаҳза.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида».
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
19.55, 20,25, 22.45-Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Талабалар шаҳарчаси».
20.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Мутахассис».
22.05 «Спорт ҳафтаномаси».
22.25 «Жаҳон эстрадаси».
22.40 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 Синема. «Тунги назорат».
00.20 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Спорт оламида».
11.30 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.00 «Саодат калити».
12.20 «Мусиқий мехмонхона».
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30-14.55 «Ёшлар ҳудуди».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 Ёқимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақслар жилоси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.05 «Гиннес-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Ҳар жумада.
23.50 «Тунчироқ». Дам олиш дастури.
00.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.30 «Кинонигоҳ».
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «Сиз кутган учрашув».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «СНН- шоу»
*
17.15 «Джентльмен-шоу».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Кўк соқол». 2-серия.
18.00 «Ўорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт
*
Россия жамоат телевидениеси
18.15 «Сиҳат-саломат».
18.45 «Мўъжизалар майдони»
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 Мерос «Жан Кристофф».Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: Элизабет Тейлор «Дарз кетган ойна» фильмида.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».

«Умид» намойиш этади:

9.55 «Кўзгу».
10.25 «Муҳаббат дарси».
10.55 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?» Бевосита мулоқот.
*
11.55 «Етгил камолга». Спорт дастури.
12.10 Кундузги сеанс: «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.
13.35 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.10 «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.30 Вилоят хонандалари куйлайди.
15.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
15.15-15.45 «Сиртқи телевизион олимпиада».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа...». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.05 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.40 «Халқнинг кўнгли».
23.00 «Куй ва тасвир».
23.20 «Ахборот».

«Тунги ёғду» Дам олиш дастури:

23.50 «Садоқат». Бадиий фильм.1-серия.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Мучал туйи», «Билагон маслаҳати», «Мультмашо»)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 47-қисм.
10.45 «Ақл ёшдамас».
11.00 «Ёшлар» телеканалида.
11.05 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.20 «Рақурс».
11.45 «Мусиқий лаҳза».
11.50 «Дилбарим».
12.10 «Спектаклдан сўнг».
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 «Сир».
13.25 «Сиз севган «Хўжа» гуруҳи».
13.45 «Ҳудуд». Олмалик шаҳри.
14.15

Дилкаш суҳбатлар

БЕШИКДА ЎСГАН БЕК БОЛАМ

Бешикчилар билан учрашиш орзусида юрганимни эшитган қўшним суҳбатлашганда деди:

— Эртага Зулфи кеннойининг неварасига бешик келади. Тортинмай боринг. Бешикчи устани сўранг, сизга аниқ айтиб беришади.

Қўшнимнинг гапи маъқул кўринди. Эртасига битта-яримтасидан сўрамасимданоқ, тўйхонада суриштириш бошланди.

— Кимдан олишибди, устаси ким экан?

— Ўша биз борган устадан олишибди, — деди иккинчиси. — Зикрилла ака-чи, уста Миразизнинг ўғли.

— Барака топкурлар боплашади, қўллари гулда, ўзи ҳам.

Бу орада қайвони кампир бир ҳовуч қанд-курсни бешик устидан сочиб юборди...

Бешикчилик касби новвой, тандирсоз, мисгар, ямоқчи, чархчи каби ўнлаб ҳунарлар сингари эъзозли, эътиборли. Сўраб-сўраб Зикрилла аканинг Олча кўчасидаги уйини топиб бордим. Устахонада у кишининг рафиқаси Зумрадхон бор экан. Устани сўраган эдим: «Сал кечикибсиз-да, ҳозиргина юмуш билан чиқиб кетувдилар. Нима ишингиз бор эди?» — деди. Ниятимдан хабардор бўлгач, жилмайди: «Хўп десангиз мендан сўрайқолинг».

— Бешикчилик сизга ҳам ота мерос касбми? Ёки бошқа ҳунармандларнинг қизимисиз?

— Мен асли сағбонликман. Зилзиладан кейин Қашқар маҳалласидаги кўп қаватли уйларга кўчиб кетганмиз. Отам Аловуддин Илёсов ишчи бўлганлар. Зикрилла акамларнинг холаси бизга қўшни яшашарди. Олча кўчадаги 17-уйда. Мени кўриб, ёқтириб қолишган. Ўнинчи синфни битиришим биланоқ узатиб юборишган. Зикрилла акамга турмушга чиқиб, шу хонадонга келин бўлиб тушгунимча бешик ясаш жудаям осон, деб юрардим. Асло ундай эмас экан.

— Нега бундай фикрга келдингиз?

— Чунки бешикнинг ҳар битта ёғочи ўзининг номига, ўрнига эга. Уларни жой-жойига қўймаса бешик бешик бўладими!

— Устозингиз?..

— Раҳматли қайнотам Миразиз ака, қайнонам Арофат аялар менга иш ўргатишган. Дастлаб анча қийналдим. Ҳозир кўриб турганингиздек ишларимиздан ҳамма рози.

— Қанақа ёғоч ишлатасизлар?

— Тут, ёнғоқ, акация, толдан ясалган бешиклар жуда мустаҳкам чиқади. Шундай бўлишиям керак-да. Бешик бола икки-уч йил «яшайдиган» мўъжизавий уй. Биз кўпроқ тутдан ишлаймиз. Ҳам маҳкам, ҳам чидамли, кейин, турли ҳашаротлар еб қўймайди.

— Бешикнинг ҳар бир ёғочининг номи бор дедингиз!..

— Қаранг, энг тагидаги ярим айлана шаклидаги таглиги — ўйрғаси деб аталади. Икки томондаги фанерга ўхшаган ёйи — эмоч. Ўйрғаларни бирлаштириб турадиган икки томондаги уч жуфт ёғоч поялар, бизнинг тилимизда нарвонак деб юритилади. Мана бу ёғочлар сихлари. Бешикнинг пастидаги узун ярим ёғочларни кўряпсизми, улар помбазларидир. Икки эмочни бирлаштирадиган даста — кўприк дейилади. Қуббалари кўғирчоқлар деб аталади.

— Бешикни бўямаса ҳам бўлаверадими?

— Бўлаверади. Лекин бўялса яхши бўлади. Сабаби бола сал эсини таниши билан ранг ажратади, оёққа киргач эса бешикдаги етти хил ранг оламнинг ранги эканлигини кўради. Рангларнинг хизмати ҳам чакана эмас.

— Чамаси сизлар бешик асбобларигача тайёрлаб сотасизлар чоғи?

— Шуниси харидорга қулай. Говрапеш — энг устидагиси. Тўрт хил бўлади: қишлик, ёзлик, баҳорлик, кузлик. Фаслга қараб қалин ё юпқаси ёпилади. Кўрпача, ёстиқчалари, тагликлари бир жуфтдан тайёрланади. Қўлбоғ, оёқбоғлар имкони бўлса бир хил матодан қилинса чиройли кўринади. Мана, қаранг.

Бешикка қараб, хаёлга берилиб кетибман. Юрагимда турли туйғулар уйғонар, тилимга энг аввало офарин деган сўз келарди. Халқим, она халқим, ҳеч бир миллат, элат сенчалик фарзандини Ватанига муҳаббатли қилиб тарбияламаса керак! Йўргаклигидаёқ камалакнинг етти рангини бешикда мужассам этган ҳунармандга таъзим бажо этмай бўладими? Тўрт фаслга мослаб бешикпўш тикиб, дунёдаги буюк қонунларни гўдакнинг мўъжаз оламига ёпган оналарни бошга қўймай бўладими? Болажон улғайганида минг бир рангларни кўриб, юртида галма-гал гўзалликлар яратган фасллар бағрида яшаб, ўша бешикни эсламайдими? Ўша бешик Ватани — озод Ўзбекистон эканини вужуди билан ҳис қилмайдими? Демак, Ватанга бўлган илк муҳаббат учкуни бешикда пайдо бўлар экан-да!

— Зумрадхон, нечанчи авлод ҳозир бешикчиликни давом эттиряпти?

— Энг катта бобомиз Мирҳаким отадан бошлаб биламан. Қайнотам Миразиз ака, Мираббос, Мирилёс каби устазодаларни бутун шаҳар танийди. Турмуш ўртоғим Зикрилла ака уларнинг ишларини давом эттиряптилар. Ўғлимиз Муроджон ҳам отаси каби уста бўлиб қолган. Узатган учта қизим бешик асбобларини жудаям бежирим қилиб тикишади. Кенжатойим ҳам опалари изидан кетяпти. Ўзи Одам Атодан бошлаб бешик расм бўлган дейишади. Бизнинг авлод устазодалари ўшандан бери шу иш билан ўтиб келишади, десам асло муболаға бўлмайди.

— Бешикни зўр таърифлар экансиз?!.

— Бешикни орзу қилмаган, алла айтиб уни тебратишни умр мазмуни деб билмаган аёл борми дунёда. Ҳатто бефарзанд аёллар Аллохдан бешик сўраб йиғлайди. Бир марта тебратиб ўлсам армоним йўқ, дейди, келинлар кўёвларидан яшириб, бешик асбоб тикишади. Бешик тўйи гўдакнинг илк тўйи, халқимизнинг бошинг тўйдан чиқмасин деган эзгу нияти. Шунинг учун ҳам «бешик боласи — бек бола», дейишади-да.

Кўз ўнгимда эскилик сарқити деб оловга отилган бешиклар гавдаланди. Кулларини қўлига ҳовучлаб олган, кўз ёшлари шу кулга томган усталар келди. Бешикда нима гуноҳ эди? Ахир ўшанда меҳр-муҳаббатга, оқибатга, садоқатга ўтқўйилган эмасмиди? Шукр, бугун бешигу-беланчак яна хонадонларимиз тўрида, усталар қалб ардоғида.

Суҳбатимиз поённга етай деганда уста Зикрилла ака кўринди. Қуюқ сўрашиб, оёлига саволомуз қаради. Кейин кулиб, кўшиб қўйди:

— Зумрадхон ҳам жуда яхши билади касби-кори сирини. Ҳамма нарсани айтиб бергандир.

Хайрлашар эканман, қалбимда шу сўзлар туғён урарди: бешикда ўсган бек болалар! Бешик Ватан дегани, бешик она замин дегани! Сийнасида бизни кўтариб, нону-насибамизни берадётган муқаддас ер дегани! Шуни унутмайсизларми, бек болаларим? Муқаддас бешикка содиқ бўлиб, ўсасизларми, тойчоқларим?

Темур УБАЙДУЛЛО суҳбатлашди.

1999 йил — Аёллар йили

РЎЗҒОР АЛИФБОСИ

Тонг саҳарда телефон жиринглади. Энди чойни дамлаган Баҳри холанинг юраги бир қалқиб тушди: «эрталабдан хосиятли хабар бўлсинда». Дастакни олиб, қулоғига тутди.

— Ассалому алайкум, айланай.

Дастадан ҳиқиллаган овоз келди:

— Ойи, ойижон, келмасангиз бўлмайди...

— Нима гап, қизим, нима бўлди?

Телефонда яна ҳиқиллаш эшитилиб, дастак қўйилди шекилли, қисқа «тут-тут»лаш бошланди.

Баҳри хола оромини йўқотди. Чой чойда қолди, нон нонда: «Қизи тушмагур нима беодобгарчилик қилдийкин? Қайнонаси туппа-тузук аёлга ўхшовди-ку!»

Баҳри холанинг эсига қизи Башоратхонга совчиларни бошлаб келган Савриниса тушиб қолди. Калаванинг учини топгандек, суюниб кетди. Нари-бери отланиб, йўлга тушди. Ҳайриятки, Савриниса опа ҳовлида уймаланиб юрган экан. Баҳри холани кўриб, бироз ҳайрон бўлди.

— Келинг Баҳриниса, айланай эгачи, келинг.

Баҳри хола унга қизининг эрталаб қўнғироқ қилганини, маслаҳатга келганини айтди.

— Бормаганингиз яхши бўлибди. Қиз олган томон отлиқ бўлса, қиз берган пиёда, айланай эгачи. Бўлмаса гап бундоқ: сиз андак нафас ростлаб туринг, мен қуданикига ғирра бориб келай. Кейин ўзим сизникига кираман.

Баҳри хола уйига қайтишга қайтди-ю, ўтиролмади. Ҳовлида у-буга уринган бўлди. Охири ўриндиққа ўтириб, уф тортди...

Баҳри холанинг суянгани шу қизи Башорат эди. Раҳматли бегининг гапига фаришталар ўшанда омин деган экан.

— Хотин, — деганди Рихситиллага қизига кўзи ёриганда, — мана шу қиз мендан ёдгорлик сенга. Исмини Башорат қўямиз, бўптими?

Баҳриниса жуда кўп гўзал исмларни ўйлаб юрган бўлса ҳам хўжайинининг раъйидан ўтолмади. Сал кун ўтмасдан Рихситилла томни тузатаётганда оёғи тойиб кетиб, йиқилди. Нобопроқ тушган эканми, бери қарамади... Башорат ота дийдори нималигини билмай ўсди. Баҳриниса бор-будини сарфлаб, уни яхши жойга узатди. Совчиликка улардан икки кўча наридаги Савриниса келди. У деди, бу деди, хуллас, Баҳри холани ҳам, Башоратни ҳам кўндирди. Бугун бўлса қизи эрталаб қўнғироқ қиляпти...

Бу пайтда Савриниса опа қуда бўлмишникига кириб борганди. Куда бўлмиш Латифахон уни айланиб-ўргилиб кутиб олди. Ўғринча кўча эшикка бир-икки қараб қўйди. Савриниса опа сезса ҳам, ўзини сезмаганга солди. Фотиҳадан сўнг дастурхон ёзилди. Латифахон Саври опага зимдан назар солар, нега келганини ўзича таҳмин қиларди.

— Келинг, айланай, — Латифахон гапнинг даромадини келтирди.

— Хўш, — Савриниса опа ишнинг индаллосига кўча қолди, — қизимиз хонадонингизга мос келмай қолдими?

— Вой, гапингиз қурмасин, — капалаги учиб кетди Латифахоннинг.

— Унда кўз ёшининг боиси нима?

— Синов, — кулди Латифахон. Кейин бўлган гапни айтиб берди.

Меҳмон келадиган кун қайнона атайлаб отланди. Башорат янги келин эмасми, бир нарса деёлмади. Латифахон кетгандан кейин келинни ваҳима босди. Аксига олиб, ҳужранинг калитини ҳам тополмади, қайнонаси беркитиб кетибдими... Кип-қизил шармандалик. Охири Башорат бир чора топди. Ҳовлидаги гилосдан бир челакни тўлдириб терди. Кейин қўшни болага ялинди.

— Жон Турдиали, шуни сотиб, пулига гуруч, сабзи, гўшт олиб келинг, ўзиз яхши боласизу.

Турдиали талтайди.

— Кейин менгаям салом қиласизми?

— Хўп, ўн марта салом қиламан.

Меҳмонлар на дастурхондан, на келиннинг хизматидан ёзғиришди. Фақат қайнона йўқлигидан сал ранжишди. «Келишимизни айтувдик-ку», деб қойинган бўлишди. Кута-кута Башоратни узундан-узоқ дуо қилиб, тарқалишди. Худди меҳмонларнинг кетишини кутиб тургандек Латифахон кириб келди. Дастурхонга қаради. Бинойидек. Келин мақтовнинг чаласини кутиб оёғи олти, қўли етти бўлиб қайнонасига парвона бўлди.

— Қаердан олдингиз шунча нарсани? — сўрайди қайнона.

— Гилосдан териб сотдим, — гуноҳкорона кўзини ерга тикди келин.

— Баракалла. Лекин гилос бўлмаганда нима қилардингиз.

Келин жим қолди. Дарҳақиқат гилос бўлмаса нима бўларди? Кўшнидан қарз олармиди? Қайнонасини исиодга қўярмиди? Башорат йиғлаб юборди. Ўзининг хонасига кира солиб, телефонга ёпишди...

Савриниса опа кулиб юборди.

— Тадбирли келин ҳақидаги ҳикматни айтмадингизми?

— Энди буни Баҳриниса опамлар айтсалар яхши бўлади.

Шу куни Башорат ясанибтусаниб, уйига йўл олди. Тадбирли келин қанақа бўлишини билишга ошиқди. Билса ўзи эшитиб юрган гап экан. Қадимда бир кампирнинг келини бор экан. Ҳар томонлама зўр экан. Бир куни кампир қазноқнинг калитини чўнтагига уриб, тўйга кетибди. Шу куни аксига олиб, меҳмон келибди. Келин қуюқсуюқни сероб қилиб кутибди. Кампир келсаки меҳмондорчилик, маъмурчилик.

— Нима бўлди? Шунча нарсани қаердан олдингиз? — сўрабди кампир.

— Ҳар куни берган нарсангиздан бир сиқим-бир сиқим олиб қўярдим, — дебди келин. — Ўшани ишлатдим.

Кампир келинини дуо қилиб, қўлига рўзғор калитини топширибди.

— Рўзғорнинг алифбоси тежамкорлик, тадбиркорлик. Ана шунда эрнинг топгани юзага чиқади. Раҳмат сизга, болам, энди хотиржамман.

Башоратхон ҳозир қайнонасининг уйида эрка-серка келин.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

СОВЧИ КЕЛСИН

Юзларига сепкил тошган лобар қизлар,
Ўтган-кетган изингиздан қарар қизлар,
Ҳаммангизга Оллоҳ бир кун берар қизлар,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

«Қиё боққан бу нигоҳни» кимдир сезди,
Кимдир сизнинг қаҳрингиздан ёмон безди.
Йигитларнинг энг сараси сарсон кезди,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Қиз болани дермиш асли биров хасми,
Куёв бўлмиш бўйингиздан анча пастми,
Дугонангиз хат ташиши, айтинг ростми?
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Йигитлар бор, айтган сўзин ташлайверар,
«Сизсиз яшай олмайман» деб яшайверар.
Севги йўлни ўн бешда ҳам бошлайверар,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Бирин-кетин қалдирғочдай учасизлар,
Қанот қоқиб юлдузларни қучасизлар.
Қай бирингиз севгидан ҳам кечасизлар...
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Юзларингиз ёруғ бўлсин топар бахтдан,
Мен сизларга жой сўрадим тожу-тахтдан.
Бугун уйга ҳамма қайтсин шаҳдам-шаҳдам,
Совчи келсин уйингизга, совчи келсин.

Ҳамид НОРҚУЛ.

БОШҚА ЖОЙГА ҚАРАГАНДА АРЗОНРОҚ

ЗАНГИОТА туманининг «Эркин» қўрғонида фаолият кўрсатаётган «Иброҳим Раҳмат» хусусий корхона-дорихонасида аҳоли эҳтиёжига зарур дорилар бошқа жойлардагига нисбатан анча арзон сотилмоқда. Ҳаммадан ҳам дорихонанинг иш вақти чекланмаганлигидан беморлар хурсанд.

Анвар Иброҳимов раҳбарлигида бу жойда хизмат қилаётган жамоа яқиндан бошлаб корхонага тегишли майдонда доривор ўсимликлар етиштиришни ҳам йўлга қўйди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ, хизматчи.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 16-19 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Шамолнинг тезлиги 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 12-17, кундуз кунлари эса 27-32 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади. Вилоятимизнинг тоғли туманларида эса кечалари 3-8, кундуз кунлари 15-20 даража атрофида илиқ бўлади.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар туркумидан

ЗИЛ БОТМАГАН ҲАЗИЛЛАР

Таниқли кинорежиссер, 70-йилларда телевидениенинг «Оламга саёҳат» кўрсатуви бошловчиси, марҳум Собит Саидов билан маҳалладош эдик. Оилавий кирди-чиқидан ташқари, дадаларимиз ораларидан қил ўтмас қалин дўст бўлишган.

Дадамни сўнгги манзилга кузатаётганда у кишининг хўнграб йиғлагани ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Улар орасида муносабат шундай самимий, беғараз эдики, улар даврасига тушиб қолган бегона одам суҳбатларининг чин-ҳазиллигини дарров илғаб ололмасди. Чунки дўстларнинг баъзи ҳазил, қочирим гапларидан даврадагилар баъзан на кулишни, на ҳамдардлик билдиришни билолмай қолишарди.

Дадамнинг 40 ёшга тўлишлари муносабати билан дўстлар йиғилишган, Собит акадан эса дарак йўқ эди. Уйимизда бирор тадбир ўтказилса у кишининг иштирокисиз ўтмасди, эл бурутдан келиб, дастурхон тузишга бош-қош бўлардилар.

Бир маҳал йўлакдаги эшик оҳиста чертилди. Меҳмон келган уйнинг эшиги тамбаланмаслиги аниқ. Ичкаридан «кираверинг» дейишга қарамасдан, эшик яна тақиллади.

— Бугун туғилган кунинг, расмиятчиликка риоя этиш керак, — деди Собит ака эшикни очган дадамга қараб.

Икковлон қучоқлашиб, кўришишди. Собит ака табриклаган бўлди. Меҳмонхонага оқ қоғозга ўралган, тоши оғирроқ совға олиб кирилиди. Совғани қоғоздан бўшата туриб:

— Топган гул, топмаган бир боғ пиёз, дегандек, — дедилар бироз чўзиброқ Собит ака ва бир ўрам қора «тўл»ни дадамга топширдилар.

Меҳмонлар бир лаҳза нима бўлганига тушунолмай, ҳангу-манг бўлиб қолдилар ва бирданига мўъжазгина меҳмонхонани кулгу тўлдириб юборди. Ўшанда дадам:

— Яхши кунларингда мен ҳам қайтарай, — деб қўйдилар.

Орадан чамаси уч-тўрт ойлар ўтгач, Собит аканинг «юбилейи» нишонланадиган бўлди. Меҳмонлар кеч соат еттига таклиф этилган. Шу куни дадам ишдан барвақт келиб, ойимдан шоша-пиша дўппи ва қийиқча олиб, уйдан чиқиб кетдилар.

Шимолий Олмазор мавзесида йигирмага яқин «дом» бўлса ҳам маҳаллий аҳоли ниҳоятда камчиликни ташкил этарди, бир «дом»да кўпи билан уч оила ўзбеклар яшарди.

Дадам маҳаллани айланиб кексаларга, бугун соат бешда Собитнинг «қирқи» бўляпти, деб хабарлаб чиқибдилар. Чоллардан бири яқиндагина кўрувдим, шекилли, деса, бошқа бирови куни кеча телевизорга чиқдику дея ҳайрон бўлиб бир-бирларига қараб елка қисишарди.

Ҳуллас соат бешларда дадам бошда дўппи, белда қийиқча билан Собит аканинг «дом»и олдида чолларни қаршиладилар.

Қарияларни кўриб шошиб қолган Собит ака нима қиларини ва бирор гап айтишини билмай бир зум ҳайрон бўлиб қолди. Мўйсафидлар ҳам Собит акани кўриб лол бўлдилар. Вазият ойдинлашгач, Қуръон тиловати ўрнига дадамиз — Аҳрорхўжа шаънига ҳамду-сано, тантана «гуноҳкори» номига табрик сўзлари айтилди...

Яқинда дўстларнинг ана шундай беғараз ҳазиллари тўғрисида яна бир ҳикоя эшитдим.

Воқеа яқин ўтган замонда бўлиб ўтган. Ўз даврининг ўзига тўқ амалдорларидан бири — Аҳмаджон ака (исмлари ўзгартирилган) кўнгли тусаб ҳордиқ чиқариш учун Сочига йўл оладиган бўлибди. Тобуткаш дўсти Раим билан маслаҳатлашиб йўлга отланибди.

Манзилга эсон-омон етиб боргач, Раим акага кўнғироқ қилиб, «ҳисобот» берибди:

— Ҳаммаси жойида, Қора денгиз бўйида уч хонали уйни ижарага олдим, холодильникларни тўлдирдим, ўша келишилгандек «хонадош»ни юборсанг, у ёғига сен билан яна келишиб кетаверамаи.

Белгиланган кун Аҳмаджон ака Сочида қучоққа сиғмайдиган гўзал гулдаста кўтариб Тошкентдан келадиган самолётни кутиш учун тайёрагоҳга чиқибди. Бир маҳал «да-даа» деган таниш овоз эшитилибди. Қараса кичик ўғил унга томон чопиб келяпти, кетидан узун-қисқа бўлиб бошқа фарзандлари ва суюкли хотини келишяпти. Аҳмаджон ака ўзини бир зум йўқотиб қўйибди. Келинойининг эса оғзи қулоғида — ўн беш йиллик турмушлари давомида Аҳмаджон ака янгамизни бошқа шаҳар тугул, ҳатто чорбоққа дам олишга ҳам олиб чиқмаган экан. Шундай одамдан бунақа мулозамат...

Аҳмаджон ака дам олишдан қайтгач, «куричак» бўлиб, касалхонага тушади. Жарроҳ тиғидан омон чиққач, палатага ётқизиб қўйилади. «Врач» хонага кириб, ҳамширага чиқиб туришни буюради ва бемор ёнига келиб ҳол-аҳвол сўрайди. Наркози тарқамаган беморнинг узуқ-юлуқ гапларни эшитгач, ўзи гап бошлайди:

— Ҳаммамиз Оллоҳнинг бандасимиз, эртами-кечми ҳаммамиз омонатимизни Яратган эгамнинг қўлига топширамиз. Айбга буюрмайсиз, гапнинг пўсткалласини айтишим керак: операция ниҳоятда оғир кечди, касали ўтказиб юборибсиз, бу ёғига умрингизнинг ўн-ўн беш дақиқаси қолган. Уйдагиларни чақириб васият қолдиришга ҳам улгурмайсиз. Омонат гапларингиз бўлса менга айтинг, сизга ваъда бераманки, барча гапларни оқизмай-томизмай оила аъзоларингизга етказаман.

«Врач» қараса, беморнинг кўзларида қилт-қилт ёш пайдо бўляпти.

— Аҳмаджон ака, ҳар ҳолда «ёғли» жойларда ишлагансиз, айтинг, пулларни қаерга яширгансиз!

Раим ака шу гапни айтибдию, беморга қараб, врачлик ғилофини ечиб, ўзини тутиб туролмай кулиб юборибди...

Аброр ХОН.

ХОҲЛАНГ ТЕННИС, ХОҲЛАНГ ВОЛЕЙБОЛ

МАЪНАВИЙ юксак, жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш масаласи Қибрай тумани ҳокимлиги фаолиятидаги бош йўналишлардан бири ҳисобланади. Кейинги йиллар ичида бу ерда ана шу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар мазмунан бойиди. Бу ерда йигит-қизларни Ватанга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат, меҳнатсеварлик, китобга, илм-фанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга эътибор кучайиши билан бирга, уларни спортга жалб этиш ҳам ҳокимлик ва таълим-тарбияга мутасадди раҳбарлар диққат марказида турипти.

Истиклол йиллари ичида туманда бунёд этилган қатор спорт иншоотлари бунинг далилидир. Яқинда мазкур ҳудуднинг «Май» қишлоғида ўйингоҳ, волейбол майдони, иккита теннис корти, дам олиш хоналаридан иборат яна бир спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Саид ВАЛИЕВ.

Бўстонлиқ туманидаги Абдулла Қодирий номли 3-ўрта мактаб томонидан Аҳмедова Дилафруз Фахриддиновна номига берилган O'R-A № 385222 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юқоричирчиқ тумани «Сурьат-Қарқин» газетаси жамоаси газета бош муҳаррири Саидмаҳмуд Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси

Ҳабиба ая АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти «Киновидео» акциядорлик бошқармаси ва вилоят бўлими жамоаси Бўстонлиқ «Киновидео» акциядорлик бўлими раиси Ҳайбат Ниғматович Алметовга отаси

Ниғмат АЛМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «ЭЛЬНАНУР» масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 93-28-87 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент тумани ички ишлар бўлими жамоаси ДАНБ маъмурий-амалиёт нозири, милиция капитани Мирсаид Алимовга онаси

Роҳила АЛИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тумани ички ишлар бўлими жамоаси тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Рустам Илҳомович Исроиловга отаси

Илҳом ИСРОИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0356. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 21. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6